



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЁШЛАР КЕНГАШИ

МАЖЛИС ҚАРОРИ

2013 йил 14 май

№ 1-5

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгаши мажлисининг 2013 йил 30 апрелдаги “Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ёшлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш, уларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш ҳамда “Устоз-шогирд” тизимини жорий этилиши бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги 6-4 сонли қарори ҳақида

Тармоқ касаба уюшмалари тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги ёшлар ўртасида касаба уюшмаси аъзолигига ундовчи омилларни кучайтириш, уларни касаба уюшмаси сафига жалб қилиш ҳамда “Устоз-шогирд” тизимини жорий этилиши бўйича олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлиси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгаши мажлисининг 2013 йил 30 апрелдаги “Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ёшлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш, уларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш ҳамда “Устоз-шогирд” тизимини жорий этилиши бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги 6-4 сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин (маълумотнома илова қилинади).

2. Тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма қўмиталари Ёшлар комиссияларига:

- тасарруфдаги касаба уюшмаларининг жамиятдаги ижобий сиймосини шакллантириш борасида ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш чораларини кўриш;

- колледж битирувчиларига амалиёт вақтида ва ишга киргандан кейин касаба уюшмалари томонидан бериладиган моддий ёрдам пулларини ўз вақтида берилишини ташкиллаштиришда талабчан бўлиш;

- битирувчи ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, бу борада уларнинг ҳукуқий онгини мустаҳкамлаш юзасидан молия, банк тизими, ҳукуқий соҳа вакиллари билан учрашувлар, давра сухбатлари ва семинарларни мунтазам равишда ташкил этиш;

- мазкур қарорни Ёшлар комиссияси йиғилишларида мухокама қилиш ва тадбирлар белгилаш вазифалари юклатилсин.

3. Марказий кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмиталари раисларига:

- мазкур қарорни касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма қўмиталари Ёшлар комиссияларига етказиш, иловадаги маълумотномада кўрсатиган хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги учун зарурий чоралар кўриш ҳамда ўз иш фаолиятларида тадбиқ этишда қўмаклашиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши масъул котиби И.Урманов зиммасига юклатилсин.

Ёшлар кенгаши раиси

С.Салахутдинов

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлисининг 2013 йил 14 майдаги 1-5 сонли қарорига илова

**Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ёшлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш, уларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш ҳамда “Устоз-шогирд” тизимини жорий этилиши бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ёшлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш, уларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш ҳамда “Устоз-шогирд” тизимини жорий этилиши бўйича олиб борилаётган ишларни вилоят касаба уюшмалари ташкилотларида мувофиқлаштириб бориш мақсадида Бирлашма Кенгаши Раёсатининг 2008 йил 19 ноябрдаги 16-6“о” сонли қарори билан бирлашма Ёшлар кенгаши ташкил этилган, 2009 йил 30 январдаги 17-20“о” сонли қарор билан касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши янгитдан ташкил этилиб, Ёшлар Кенгаши таркиби тасдиқланган.

2009 йил 6 февралда Бирлашма Ёшлар кенгашининг биринчи ташкилий Мажлиси ўтказилган, унда Ёшлар кенгаши Раёсатини, Раиси ва Раиси ўринбосарини сайлаш ҳамда 2009 йил учун иш режасини тасдиқлаш каби масалалар кўрилган.

2009 йил учун мўлжалланган иш режасига киритилган барча масалалар йил давомида амалга оширилган, Раёсатларда кўриб чиқилган.

Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари ўз сафларига 604387 нафар аъзоларни бирлаштирган бўлиб, уларнинг 369440 нафардан ортиги ёшларни ташкил қиласди.

Шунингдек, 2747 нафар касаба уюшмаси қўмиталари раислари ва касаба уюшмаси ташкилотчиларининг 389 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборатдир.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан 2012 йилда амалга оширилган ишлар Ёшлар кенгашининг 2012 йилга мўлжаллаб тузилган иш режасига киритилган тадбирлар асосида олиб борилиб йил давомида муайян ишлар амалга оширилган.

Ёшлар кенгашининг навбатдаги VI мажлисида “Касаба уюшмалари органлари томонидан коллеж ўқувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари учун корхона ва ташкилотларга “Усто-шогирд” усулида бириктирилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, банд қилиб қўйилган иш ўринлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш аҳволи тўғрисида”ги масала кўриб чиқилган.

Хусусан, Ёшлар кенгаши томонидан 2012 йилнинг I чорагида “**Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси** вилоят кенгаши тизимидағи корхоналарда жамоа шартномалари орқали

ёшлар яратилган иш шароитлари, уларни ижтимоий-иктисодий, хуқуқий интеллектуал манфатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида”ги, II чорагида “**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси** вилоят кенгаши хизматига олинган корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексида айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзларни амалда қўланиши тўғрисида”ги, III чорагида “**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси** вилоят кенгаши тизимидағи корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали ёшлар учун белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзлар тўғрисида”ги IV чоракда “**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси** вилоят кенгаши тизимидағи ташкилот ва муассасаларда ишлаётган, ўкув муассасаларда таълим олаётган ёшларни ўқиши, меҳнат қилиш, муносиб иш ҳақи олиш уй-жой билан таъминланиш борасидаги хуқуқларига риоя этилиши тўғрисида”ги масалалар муҳокама қилинган.

Масалалар юзасидан Ёшлар кенгаши Раёсатининг тегишли тартибдаги қарорлари қабул қилинган.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун тузилган минтақавий келишувга меҳнат бозоридаги жараёнларни самарали тартибга солиб туриш, вилоятда мавжуд меҳнат салоҳиятини сақлаб қолиш ва уни ошириш мақсадида корхоналарда қўшимча иш ўринларини барпо этиш, ички меҳнат бозори имкониятларини кенгайтириш орқали хусусий тадбиркорлик ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар учун ихтисослаштирилган иш ўринларини ташкил этишда касаначилик имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан ҳудудий “Бандлик” дастурларини шакллантиришда Ёшлар кенгашлари таклифларини имкон қадар инобатга олиш, корхоналар банкротлиги ва тутатилишини олдини олиш ва бошқа бандликка оид масалалар киритилган.

Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан 2011-2012 йиллар учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан қабул қилган қўшма қарор ижроси юзасидан Ёшлар кенгаши томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Мазкур қўшма қарор билан тасдиқланган тадбирлар режасига кўра касаба уюшмалари янги иш ўринлари яратилиши бўйича прогноз кўрсаткичлар ижроси мониторингини амалга ошириш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўtkазиш ишларида иштирок этган. Бу борада 2012 йилда 56 маротаба касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаларида иштирок этилган. Янги яратилган иш ўринларида ишлаётган ёш ходимларнинг меҳнатга доир хуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланишига, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қўмаклашилган.

Янги иш ўринлари яратилишини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссиялар таркибиага Агросаноат мажмуи, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар ва туман кенгашлари раислари киритилган бўлиб, улар янги иш ўринларини яратиш дастурларининг ижросини мониторинг қилишда фаол иштирок этмоқда.

Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан мавжуд бўш иш ўринларини таҳлил қилиш, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаларини шаҳар ва туманлар миқёсида ташкил этиш, уларга жамоатчилик билан ишсиз фуқароларнинг оммавий ташрифини уюштириш, касаначиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирларга кўмаклашиш, маълум сабабларга кўра ишдан озод этилган ходимларга мадад чоралари берилишини назоратга олиш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, агросаноат мажмуи, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашларининг масъул ходимлари томонидан 2012 йилнинг январ-декабр ойларида 415 та корхона ва ташкилотларда 2085 та янги иш ўринлари ҳақиқатда яратилганлиги ва уларга ишга қабул қилинган ходимларнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ҳимояланганлиги юзасидан мониторинг ишлари олиб борилиб, янги иш ўринларнинг ишонччилиги ўрганиб чиқилган.

Ёшлар кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашлари Ёшлар кенгашлари ва ёшлар билан ишлаш комиссияларига амалий ёрдам кўрсатиш ишлари бўйича режалаштирилган тадбирлар доирасида қўйидаги ишлар амалга оширилган.

Вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларида 2011 йил учун тузилган жамоа шартномаларининг йиллик бажарилиши ҳамда 2012 йил учун янги жамоа шартномаларининг қабул қилиш бўйича муҳокама йиғилишлари ўтказилиб, жамоа шартномаларига “Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар” бўлими киритилган. Бу борада Ёшлар кенгаши томонидан 150 дан ортиқ юридик шахс мақомидаги корхоналар бошланғич касаба уюшма қўмиталарига жамоа шартномаси муҳокамаси бўйича меҳнат жамоасининг умумий йиғилишларини ўтказишида услубий ва амалий ёрдамлар берилган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Косон, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгашларига ишлаётган ёшларнинг жамоа шартномалари орқали ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишларига амалий ёрдам кўрсатилган.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Раёсатининг **2012 йил 22 февралдаги “Мустаҳкам оила йили”** дастурида қўзда тутилган тадбирлар бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оиласаларнинг 5023 нафар фарзандларига 144 млн. 250 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилган. Ушбу маблағларнинг 106 млн. 170 минг сўми иш берувчилар ҳисобидан, 38 млн. 80 минг сўми касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Касаба уюшмаларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни кучайтириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ишларда ҳамкорлик қилиш юзасидан вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими, истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш бирлашмаси билан қўшма қарорлар қабул қилинган.

Вилоят касаба уюшмалари кўмагида таълим муассасалари билан корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Таълим муассасаларида

олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, олинадиган мутахассислик бўйича зарур лаёкатга, кўниқмаларга ва амалий иш тажрибасига ўргатиш мақсадида касб-хунар коллажларининг 2 ва 3 босқич ўқувчиларини ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари учун корхоналарга “Устоз-шогирд” тизими асосида бириктириш ишлари амалга оширилган.

2011-2012 ўқув йилида вилоятдаги 125 та касб-хунар коллажларини 42139 нафар ёш битириб чиқган. 3845 та манзилли корхоналарда амалиёт ўтаган 29074 нафар амалиётчи ўқувчилар устидан мониторинг ишлари олиб борилган. Манзилли корхоналарда амалиёт ўтаётганлардан 2487 нафарида касаба уюшмалари маблағидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жами 31296,4 минг сўм, 711 нафар битирувчига касаба уюшмалари маблағидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида 24741,3 минг сўмлик моддий ёрдам берилган. Вилоятдаги корхоналарда амалиёт ўтаган ўқувчилар ҳамда корхоналарга ишга жойлашган битирувчиларга касаба уюшмалари маблағидан жами бўлиб 56037,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

2012 йилда вилоятдаги касб-хунар коллажларини 96 мутахассислик бўйича 42139 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 40817 нафарининг бандлиги таъминланган.

2013 йил 25 март ҳолатига 2012-2013 ўқув йилида касб-хунар коллажларини битирувчи 43819 нафар ёшларнинг 35460 нафари корхона, ташкилот ва муасасалар билан уч томонлама шартномалар имзолаган. Битирувчиларнинг 25985 нафари амалиётга чиқкан.

Шунингдек касаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган давлат дастури тадбирларига мувофиқ таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши томонидан олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган, ёлғиз ва қўп болали оиласарнинг фарзандларидан 4 нафарида 2011-2012 ўқув йилида касаба уюшмаси ҳисобидан устама стипендия берилган.

Вилоятдаги ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, болалар оромгоҳларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилган. Тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш мақсадида касб-хунар коллажлари ва олий ўқув юртларида “Одам савдоси-кулликка рози бўлма” мавзусида давра суҳбатлари ўтказилган. Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг илм ва меҳнатга бўлган қизиқишиларини янада ошириш мақсадида ички ишлар бошқармаси, прокуратура органи ходимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мулоқотлар ўтказилган.

Бундан ташқари, ижтимоий қўллаб-куvvatлашга молик 2000 нафардан ортиқ ёшлар саёҳатга олиб борилган, бунга иш берувчилар ва касаба уюшмалари маблағидан 60,0 млн. сўм маблағ сарфланган. Ёшларнинг тадбиркорликка оид билимини ошириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, оиласавий касаначиликни йўлга қўйишга қўмаклашиш мақсадида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси қошида ташкил этилган ҳуқуқий маслаҳотхона ва “Ишонч” телефони орқали тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга бепул маслаҳатлар берилган.

Ёшларнинг бандлиги таъминланишига қўмаклашиш борасида вилоят тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан:

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари тизимидағи Қарши политехника касб-хунар коллежи битирувчилари, коллеж раҳбарияти ва иш берувчи ўртасида тузилган 3 томонлама шартномага кўра “Сув газ таъминоти тизими жиҳозларини монтаж қилиш ва таъминлаш” мутахассислиги бўйича 25 нафар ўқувчи 2012 йилнинг 7 майидан 16 июлигача Қарши шаҳар “Сувоқова” корхонасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган. Қарши шаҳар “Сувоқова” корхонасининг 2012 йил 7 майда 26 л-сонли буйруғига кўра корхонага амалиёт ўташга келган битирувчиларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, маҳсус кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ишлари корхонанинг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси томонидан амалга оширилган.

Амалиётчиларни корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 11 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам ажратилган.

Шунингдек, Қарши политехника касб-хунар коллежини имтиёзли диплом билан тугатиб, Қарши шаҳар “Сувоқова” корхонасига ишга кирган 2 нафар битирувчига ҳам корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган.

Алоқа тизимидағи “Ўзбектелеком интернейшнл” МЧЖ, ЎЗИ-Қарши филиалида Қарши саноат касб-хунар коллежи ўқувчиларидан 12 нафари, Қарши Ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг 14 нафар битирувчилари 2012 йилнинг май-июнь ойларида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган. Амалиётчилар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтказилиб, корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшма қўмитасининг 2012 йил 30 майдаги қарори билан 2 нафар амалиётчига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилган.

Шунингдек, “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали 8 боғланмаси касаба уюшма қўмитасининг 2012 йил 28 июлдаги қарори билан 2 нафар амалиётчига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, Қашқадарё радиотелевизион узатиш маркази касаба уюшма қўмитасининг 2012 йил 24 июндаги 8-5“о” сонли қарори асосида 2 нафар амалиётчи ўқувчига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилган.

Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонасида жами 3176 нафар ходимлар меҳнат қиласи. Уларнинг барчаси касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган бўлиб, шундан 700 нафарини ёшлилар ташкил этади.

Корхона жамоа шартномасига “Ёшлилар учун кўшимча имтиёзлар ва кафолотлар” бўлими киритилган. 2012 йилда жамоа шартномасининг ушбу бўлими бажарилиши бўйича 67 млн. 870 минг сўм сарфланган.

Бугунги кунда корхонада Касб-хунар коллежи битирувчиларидан 14 нафари амалиёт ўтамоқда.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши 28 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларини бирлаштирган бўлиб, улардаги 16000 нафар касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иктисодий ва хукуқий манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Туман кенгаши тумандаги касаба уюшмалари ташкилотлари ишини мувофиқлаштириб боради.

Тумандаги касаба уюшмалари ташкилотларини Устав бўйича фаолиятини намунали тарзда олиб бориш учун туман касаба уюшмалари ташкилотлари ишини мувофиқлаштирувчи кенгаши Раёсати ва Китоб туман ҳокимлиги ўртасида қўшма қарор қабул қилинган. Ушбу қўшма қарорни бажарилиши бўйича тумандаги бир қанча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолияти намунали ташкил қилинган.

Шу билан бирга, туман кенгаши туманда ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, хотин-қизлар қўмитаси, “Махалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари туман бўлимлари билан қўшма тадбирлар режаси қўшма қарорлар билан тасдиқланган.

Олиб борилган ишлар билан бир қаторда жойлардаги касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятида **камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар** мавжуд. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида жамоа шартномаси - корхонада иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи муҳим норматив ҳужжат ҳисоблансада, айrim туман касаба уюшмалари кенгашлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномаларини тузиш, уларни экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш ишлари бугунги кун талаби даражасида ташкил этилмаган, қабул қилинган жамоа шартномаларида ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар киритилмаган.

Бунга, Муборак тиббиёт коллежи, Муборак йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси, Давлат тижорат Халқ банки Муборак туман филиали, “Оқсарой текстил”, Китоб тумани “225-ХМКК” МЧЖлар жамоа шартномаларини мисол келтириш мумкин.

Мазкур корхона, ташкилотлар жамоа шартномалари лойиҳалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тавсияларига мос ҳолда ишлаб чиқилмаган.

Шу билан бирга, Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида Ёшлар кенгашининг иши ташкилий жиҳатдан яхши йўлга қўйилган бўлсада, Федерация Кенгашининг 2012 йил 3 декабрдаги ТН-05/1473 сонли хати топшириклари бажарилиши бўйича бирлашма веб-сайтида “Ёшлар кенгаши” бўлими яратилмаган.

Соғлиқни сақлаш тармоғига қарашли **Муборак тиббиёт коллежида** бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 2013 йил учун иш режаси тасдиқланмаган. Касаба уюшма ташкилоти томонидан ёшлар билан етарлича иш олиб борилмаган.

Муборак йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси касаба уюшма қўмитаси фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган. Касаба уюшма хонаси, жамоа шартномасини бажарилиши якунлари бўйича умумий йиғилиш баённомалари ва қарорлари мавжуд эмас.

Давлат тижорат Халқ банки Муборак туман филиали бошланғич касаба уюшма ташкилоти қошида “Ёшлар билан ишлаш комиссияси” ташкил этилмаган.

Амалий ёрдам кўрсатиш вақтида Ёшлар билан ишлаш комиссияси ташкил этилди.

“Оқсарой текстил” МЧЖ бошланғич касаба уюшма ташкилоти қошида Ёшлар билан ишлаш комиссияси ташкил этилмаган.

Китоб тумани “225-ХМКК” МЧЖ жамоа шартномасининг 2012 йилда бажарилиши кўриб чиқилганлиги бўйича хужжатлар тақдим этилмади. Ёшлар билан ишлаш бўйича ташкилотчи сайланмаган.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жойида амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилди ва тавсиялар берилди.

Масалан: Муборак йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси касаба уюшма қўмитасига бошқа раис сайлаш, уни ишини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди, амалий ёрдам берилиб бошланғич хужжатлар тайёрланди. Давлат тижорат Халқ банки Муборак туман филиали бошланғич касаба уюшма ташкилоти қошида “Ёшлар билан ишлаш комиссияси” ташкил этилди.